O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 5 сентябрь, № 175 (4838) Шанба

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 сентябрь куни Оқсаройда «MAN» компаниялар гуруҳи Директорлар кенгаши раиси Хокан Самуэльссонни қабул қилди.**





— “MAN Nutzfahrzeuge AG” концерни билан “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани сиз раҳбарлик қилаётган “MAN” компаниялар гуруҳининг мамлакатимиз автомобилсозлик саноатига қизиқишидан далолатдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Самарқанддаги “СамАвто” заводи ҳудудида ташкил этилган “JV MAN Auto-Uzbekistan” Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси МДҲда биринчи бўлиб жорий йил 4 сентябрдан “MAN” русумидаги юк автомобиллари ишлаб чиқара бошлади. Биринчи босқичда қўшма корхонада нефть-газ, автомобилсозлик, йўлсозлик, кончилик саноати ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари эҳтиёжлари учун турли қувватга эга юк автомобиллари ва ағдарма машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилган. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда бу соҳаларда ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръати, инфратузилманинг кенгайиб бораётгани ва автомобиль паркларини янгилашга эҳтиёж ортаётгани кузатилмоқда.

Янги тузилган қўшма корхона фаолиятининг илк даврида йилига 2000 дона автотранспорт воситаси ишлаб чиқаради. Дастлабки босқичда ишлаб чиқариш Самарқанд автомобиль заводи билан ҳамкорликда олиб борилади.

“MAN Nutzfahrzeuge AG” концерни келгусида “JV MAN Auto-Uzbekistan” маҳсулотларини МДҲ мамлакатларидаги ўз дистрибьюторлари орқали экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Х. Самуэльссон самимий қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик билдириб, “MAN” компаниялар гуруҳи “Ўзавтосаноат” компанияси билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон автомобилсозлик саноати корхоналари билан “MAN” компаниялар гуруҳи ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўз самимий қутловларимни йўллаш, шунингдек, Ўзбекистон халқига сиҳат-саломатлик ва бахт ҳамда янада равнақ ва фаровонлик тилаш менга чексиз мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мамлакатларимизни бирлаштириб турган азалий исломий биродарлик алоқалари, бирдамлик ва самарали ҳамкорликдан бағоят мамнун эканимни билдирмоқчиман. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик ўзаро манфаатли масалаларда қарашларимиз ўхшаш эканини қувонч ила қайд этаман. Халқларимиз фаровонлиги йўлида ҳамда маданиятлар ва тамаддунлараро мулоқот ва ўзаро англашувни кучайтириш мақсадида бундай алоқаларни янада фаоллаштириш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизни йўналтиришга бор шижоатим билан киришишга тайёрлигимни маълум қилишни истардим.

Самимият ила,

**Муҳаммад VI,**
**Марокаш Қироли.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу,

Мустақиллик куни байрами муносабати билан Сизга самимий табрикларимни мамнуният ила йўлламоқдаман.

Сизга ва Ўзбекистон халқига улкан бахт-саодат ва равнақ тилаб, ҳамкорлигимиз давом этишига ва икки томонлама муносабатларимиз ривожига умид билдириб қоламан.

Вассаламу алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу.

**Ҳожи Ҳассанал Болкиах,**
**Бруней Султони.**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқига Сингапур халқи номидан бахт-саодат ва мамлакатингизга эзгу ниятлар ила равнақ тилаш менга улкан қувонч бахш этади.

Шунингдек, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни йўлламоқчиман. Ишончим комил, Тошкент, ўз тарихига таяниб, Ўзбекистоннинг юксалиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этишда давом этади.

Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Силлапан Рама Натан,**
**Сингапур Президенти.**

***Саксон беш баҳорни қаршиладим. Бугун шу ёшимда барча орзуларим ушалди, пири бадавлат инсонман, деб фахрланиб айтсам арзийди. Она юртим, она шаҳрим кундан-кунга чирой очиб, беқиёс янгиланишларга юз тутиб бораётганлигидан ғурур ҳиссини туйиб яшамоқдаман. Чунки болалик йилларимиз ўтган аср бошларидаги Тошкентнинг пастқам, гувалак уйлар, чангу лой кўчаларида кечган.***

## ОБОД ШАҲРИМ ЖАМОЛИДАН ФАХРЛАНАМАН

**Дил сўзи**

Бугун Истиқлол шарофати билан юртимиз, хусусан, пойтахтимиз миқёсида амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар пок ниятли халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти, эзгулик йўлидаги интилишларидан далолат бериб турибди. Айниқса, ҳозир дунёда тобора кучайиб бораётган молиявий инқироз шароитида, жаҳоннинг айрим мамлакатларида турли сиёсий ва маънавий хуружлар авж олаётган бир пайтда бизнинг юрт ободликка юз тутаётгани, турмушимизда фаровонлик, қут-барака, инсон шаъни, манфаатлари ва қадр-қимматини улуғлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганлиги дилда шукроналик туйғусини уйғотади. Буларнинг бари муҳтарам Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб олиб борган оқилона сиёсати, доно халқимизнинг тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлари маҳсулидир.

Жонажон Тошкентимизнинг 2200 йиллик юбилейини катта тантаналар билан нишонлар эканмиз, ушбу қутлуғ айём муносабати билан бўлиб ўтган кўплаб шодиёналарда иштирок этдим. Қўшалоқ байрам муносабати билан янада ободликка юз тутиб, чирой очган кўчаю хиёбонларни кезиб, кўнглимда чексиз ифтихор ҳиссини туйдим. Тошкент тўйида Президентимиз нутқини тинглаб, қувончимиз теримизга сиғмади. Шу лаҳзаларда беихтиёр болалик йилларим ёдимга тушди. Ўқувчи эдик, кунига олти чақиримлаб йўл босиб, Хирмонтепа деган жойдаги ўрта мактабга қатнардик. Назарбек, Эшонгузар, Бешқўрғондан ўн-ўн икки чақиримлаб яёв юриб, дарсга келадиган болалар ҳам кўп эди. Мактаб дегани пана-пастқам, зах бир бино эди, совуқда дийдираб сабоқ олардик. Бўш қолдик, дегунча урушга кетган оталаримиз ўрнига катталар билан баб-баравар тер тўкиб меҳнат қилардик.

(Давоми 2-бетда).

## ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**Маълумки, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда эса эркин иқтисодий зоналар етакчи ўринга эга.**

**Сенатда маъқулланган**

Шу боисдан бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатлари, хусусан, Хитой, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Мексика, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ҳудуднинг жуғрофий ва бошқа қулайликларидан келиб чиққан ҳолда, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш анъанага айланган. Биргина ўтган аср 90-йилларининг ўрталарида дунёда 1200 га яқин эркин иқтисодий зоналарнинг ҳар хил турлари, жумладан, экспортга мўлжалланган 300 дан ортиқ ишлаб чиқариш ҳамда 400 га яқин эркин илмий-техникавий зоналар фаолият кўрсатган. Чунки бундай зоналарни ташкил этишдан асосий мақсад минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали унинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий соҳани ривожлантириш баробарида, замонавий бозор инфратузилмаларини ташкил этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).




## КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ!

*“Ўзэкспомарказ”да 7-10 сентябрь кунлари қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтади. Ушбу тадбир “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида пухта экспертизадан ўтказилган қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий аҳамиятга эга объектларнинг бош режа ва намунавий лойиҳалари асосида қишлоқлар қиёфасини ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини тубдан яхшилаш мақсадида ўтказилмоқда.*

Ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг бош устуворлигини инсон манфаатлари ташкил этувчи мамлакатимизда уй-жой қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2009 йил 29 январда қабул қилинган “Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, шу йил 19 июндаги “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 3 августдаги “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари муҳим омил бўлмоқда.

Ихтисослаштирилган кўргазма Ўзбекистоннинг қурилиш саноатида йирик воқеа бўлиб, унда қурилиш материаллари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчилар, улгуржи-чакана савдо компаниялари, меъморлар, лойиҳачилар, мамлакатимизнинг қишлоқ туманлари вакиллари иштирок этади. Унда архитектура ва дизайннинг энг илғор талабларига жавоб берадиган қишлоқ уйлари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари лойиҳалари намойиш этилади. Улар “Қишлоққурилишлойиҳа” лойиҳа-қидирув институти мутахассислари томонидан замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллашни, шунингдек, ҳудуднинг табиий-иқлим шароитини ва рельефини, мамлакат ҳудудлари ривожланишининг ижтимоий-демографик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Кўргазма иштирокчилари қишлоқларни ободонлаштиришга доир лойиҳаларни кредитлаш, молиялаш ва амалга оширишнинг оптимал механизмини жорий этиш билан шуғулланувчи “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ фаолияти билан танишадилар.

Кўргазмага марҳамат!

**(ЎзА).**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент!

Ўзбекистон Республикаси миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Болгария Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигимиз ва муносабатларимиз минтақа ва умуман, дунёда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш йўлида янада ривожланишда давом этишига ишончим комил эканини маълум қиламан.

Муҳтарам жаноб Президент, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар тилаб, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилишингизни сўраб қоламан.

Самимий ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Георги Парванов,**
**Болгария Республикаси Президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами муносабати билан Сизга, Президент Жаноби Олийлари ва барча Ўзбекистон фуқароларига поляк халқи ва шахсан ўз номимдан самимий тилакларимни йўлламоқчиман.

Жаноб Президент, бутун Ўзбекистон аҳлига бўлган ҳурматимиз ифодасини қабул этгайсиз. Ўзбекистон пойтахти Тошкентга асос солинганининг 2200 йиллигини нишонлаш ўзбек халқи вакиллари жаҳон маданиятига қўшган ҳиссанинг ўрнак олса арзигулик бир намунасига айлансин. Ўзбекистон янада муваффақиятли ривожланишига, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар эса кўп томонлама ҳамкорлик ва ўзаро англашувга асосланишига ишончим комил.

Юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Лех Качиньски**
**Польша Республикаси Президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни байрами муносабати билан Сербия Республикаси халқи ва шахсан ўз номимдан энг самимий табрикларни ва яхши тилакларни изҳор этмоқчиман.

Келгуси йиллар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро англашув ва анъанавий дўстликнинг мустаҳкам тамалига асосланган икки томонлама муносабатларнинг ривожланиши билан изоҳланишига аминман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

**Борис Тадич,**
**Сербия Республикаси Президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Канада халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига табриклар йўллаш мен учун шарафдир.

Мамлакатларимиз ўртасида давлат бошқарувининг дунё миқёсида эътироф этилган халқаро меъёрлари бўйича ўзаро мажбуриятларга асосланган самимий муносабатлар йўлга қўйилган. Шунингдек, биз минтақада, хусусан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш борасида умумий манфаатларни кўзлаймиз. Келгуси йилда Ўзбекистон фаровонлиги юксалишда давом этишига аминман ва мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар янада ривожланишига умид билдираман.

Ушбу байрам кунларида Сизга ва барча ватандошларингизга энг эзгу ниятларни тилаб қоламан.

Самимий ҳурмат ила,

**Микаэль Жан,**
**Канада Генерал-губернатори.**

# ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва улар фаолиятига доир муносабатлар эса 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эса амалдаги Қонуннинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш тартиби, уларнинг турлари, мазкур зоналар иштирокчиларига қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш механизмини ўзида акс эттиради.

Мазкур Қонуннинг «Эркин иқтисодий зонани тузиш» деб номланган 3-моддасига эркин иқтисодий зона Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ташкил этилиши, эркин иқтисодий зонанинг мақоми, шунингдек, унинг қанча муддатга ташкил этилиши мазкур ҳужжат билан белгиланиши, эркин иқтисодий зонанинг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши, эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш белгиланган муддат тугашидан камида 3 йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилиши тўғрисидаги тегишли ўзгартишлар киритилди. 4-моддага биноан эса, эркин иқтисодий зонанинг мақоми уни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддат тугаганда ҳамда унда назарда тутилган мақсад ва вазифалар бажарилмаганда тугатилиши белгиланди.

Шу билан бирга, ушбу Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, эркин иқтисодий зоналар мамлакатимизда эркин савдо зоналари, эркин ишлаб чиқариш зоналари, эркин илмий-техникавий ва бошқа зоналар тарзида тузилади. Қонуннинг 7-моддасига кўра, эркин ишлаб чиқариш зоналари — тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш, истиқболли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этиладиган ҳудудлар бўлиб, у ўз ичига экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зоналарини ва бошқа эркин зоналарни қамраб олади.

Албатта, эркин ишлаб чиқариш зоналарида иқтисодиётнинг устун тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали истиқболли технологиялар жорий этилади, пировардида маҳаллий хом ашёлар асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Эркин иқтисодий зонанинг мазкур тури бугунги кунда Осиёнинг 20 га яқин давлатида, Лотин Америкасидаги аксарият давлатларда, шунингдек, Венгрия, Руминия, Буюк Британия, АҚШда учрайди. Эркин иқтисодий зонанинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, бу ҳудудда алоҳида имтиёзли божхона, валюта ва солиқ режимлари давлат томонидан таъминланади. Бундан ташқари, юқорида таъкидлаб ўтилган Фармонга асосан, эркин иқтисодий зона мамлакатимизда илк маротаба индустриал-иқтисодий зона кўринишида ташкил этилди. Энг муҳими, унинг ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши — замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ҳамда модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат этиб белгиланган. Шу боис Қонуннинг 7-моддасида эркин индустриал-иқтисодий зона ҳам эркин ишлаб чиқариш зоналар турларидан бири сифатида назарда тутилди.

Қонуннинг «Эркин иқтисодий зонанинг бошқарув органлари» деб номланадиган 20-моддасида бу ҳудуд фаолияти эркин зонанинг Маъмурий кенгаши томонидан мувофиқлаштирилиши ҳамда зона дирекцияси эркин иқтисодий ҳудуднинг оператив бошқарув органи эканлиги, «Эркин иқтисодий зонанинг маъмурий кенгаши» номли 21-моддаси биринчи қисмида эса Маъмурий кенгаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Маъмурий кенгашнинг ваколатлари қаторига эркин иқтисодий зонада жойлаштириш учун инвесторлар танловини амалга ошириш ҳамда давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркин иқтисодий зонанинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ масалаларга доир фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам киритилди. Қонуннинг «Эркин иқтисодий зона дирекцияси» номли 24-моддаси «Дирекция юридик шахс бўлиб, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади» деган таҳрирдаги биринчи қисм билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, мазкур Қонунга терминларни бир хил талқин қилиш ва амалдаги қонунчиликдаги тафовутларни бартараф этиш мақсадида бир қатор аниқлаштирувчи ўзгартишлар киритилди. Жумладан, Қонуннинг «Солиқ имтиёзлари» деб номланувчи 14-моддаси номи ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 12 ва 30-моддаларига мослаштирилди. «Корхоналар, муассасалар, ташкилотларни қайта ташкил этиш ва тугатиш» номли 26-моддасининг иккинчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси талабларига мувофиқлаштириш мақсадида, «Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотлар қайта ташкил этилган ва тугатилган тақдирда, қонун хужжатларида белгиланган кафолатлар меҳнат шартномаси (контракт) бекор қилинаётган ходимда сақланиб қолади» деган таҳрирда баён этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Сенатда маъқулланган мазкур Қонун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишда катта имконият беради. Шу билан бирга, у тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ва рағбатлантиришнинг ўзига хос ва бетакрор механизмини жорий этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Нуриддин НАРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари.**

# АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИНГ ЁРҚИН УФҚЛАРИ

## Самарқандда дастлабки «MAN» русумли юк машинаси конвейердан чиқди.

***Автомобилсозлик дунёнинг саноқли мамлакатларидагина йўлга қўйилган. Улар орасида мустақил Ўзбекистонимиз ҳам борлиги, давлатимиз юксак сифатли ва замонавий автомашиналари билан хориж бозорига йўл топганлиги янада қувонарлидир.***



Кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг бу тармоғи Президентимизнинг раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларнинг татбиқ этилиши, хорижлик ҳамкорлар билан тенг манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилиши туфайли янада жадал ривожланмоқда.

Самарқандда "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва Германиянинг "MAN Nutzfahrzeuge AG" концерни ҳамкорлигида "JV MAN-Auto-Uzbekistan" қўшма корхонаси ташкил этилдики, бу мамлакатимиз автомобилсозлигида янги саҳифалар очилишига хизмат қилиши, шубҳасиз. Эътиборлиси, мазкур завод "MAN" компаниялар гуруҳининг МДҲ давлатларида йўлга қўйилган ва "MAN" юк машиналарини саноат миқёсида йиғишни амалга оширувчи ягона корхонадир.

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**



Корхона томонидан биринчи босқичда Ўзбекистон нефть-газ, автомобиль йўллари, тоғ-кончилик саноати эҳтиёжлари учун шатакчи, бортли автомобиллар ва турли ҳажмдаги юк кўтаришга мўлжалланган ағдарма машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилган. Дастлабки йилларда 2 мингтадан ортиқ ана шундай автотранспорт воситалари йиғилиши мўлжалланган.

— Корхонанинг ташкил этилиши республикада машинасозлик соҳасини ривожлантиришнинг навбатдаги босқичи, — деди "Ўзавтосаноат" компанияси раиси ўринбосари Ғайрат Ниязов. — У иқтисодиётнинг барқарор ўсишига, транспорт инфратузилмаси ва саноат ишлаб чиқаришини фаол ривожлантиришга хизмат қилади. "MAN Nutzfahrzeuge AG" каби жаҳонда машҳур концерннинг Ўзбекистон бозорига келиши республикада фақатгина тижорат транспортини ишлаб чиқаришда янги йўналишни очиб берибгина қолмай, балки "MAN" компаниялар гуруҳи ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқаларни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш имконини яратади.

Кеча Самарқандда қўшма корхона конвейеридан биринчи "MAN" русумли юк автомобилининг чиқарилиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит, ишлаб чиқарувчилар учун берилган имтиёзлар, шунингдек, икки томонлама ҳамкорлик ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Тантана иштирокчилари конвейердан биринчи "MAN" русумли юк автомобилининг чиқиб келишини мамнуният билан қарши олдилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБОД ШАҲРИМ ЖАМОЛИДАН ФАХРЛАНАМАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Болалик йилларимиз ана шундай машаққатлар билан ўтди. Шуларни эслаганим сайин бугунги ёшларга ҳавасим ортади. Бугун улар мавжуд иқтидор ва салоҳиятларини кенг намоён этишлари учун барча имкон етарли. Шаҳару қишлоқларимиз бағрида кошонага тенгласа, арзирли мактабу коллежлар қад ростлади, бундай муҳташам ўқув масканларида навқирон ўғил-қизлар пухта билим олмоқдалар. Бир-биридан кўркам олий ўқув юртларини айтмайсизми, бундай гўшалар замон билан ҳамнафас фикрлашга қодир, ўз касбига меҳр қўйган йигит-қизларимизни, малакали ёш мутахассисларни камол топтиришга хизмат қилаяпти.

...Ҳамон ёдимда, ўтган асрнинг қирқинчи йилларига бориб, Тошкентда беш қаватли бир бино қурилган эди. Уни "Мутахассислар уйи" деб аташарди. Ўшанда бундай баланд бинони тиклаш учун нарвонни қаердан олишди экан, дея роса ҳайратлангандик. Бугун эса осмонўпар, сароймонанд биноларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Шаҳримиз бағрида қад ростлаётган бундай иншоотларга пойтахтимизнинг меҳмону сайёҳлари ҳам бениҳоя ҳавас билан боқишаяпти. Бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Бари осойишталик, эркинлик, юртда миллий анъана ва қадриятлар бардавомлигини таъминлаш борасида амалга оширилган хайрли амаллар шарофатидир. Шу боис бугунги ҳаётимизга шукрона айтиб, юртимизнинг, жонажон шаҳримизу маҳалламизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш орзуси билан яшамоғимиз даркор. Истиқлол шарофати билан ҳар жиҳатдан юксалиб, жаҳон халқларининг алоҳида эҳтироми, ҳайрат ва ҳавасига сазовор бўлаётган Тошкентимизнинг, кундан-кун чирой очиб, тараққиёт сари юз тутиб бораётган юртимизнинг ҳар бир қарич ери ва тупроғи биз учун азиз эканлигини наинки сўзда, балки амалда, қилган яхши ишларимиз, яратган боғу роғларимиз, эзгулик йўлидаги интилишларимиз билан исботлайверишимиз керак.

**Усмон ДЎСМАТОВ,**
**меҳнат фахрийси.**
Учтепа тумани

# Қўшма корхона иш бошлади

***Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида "Sekko-Alekssandre" Ўзбекистон — Италия — Россия қўшма корхонаси иш бошлади.***

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ишга туширилган мазкур корхона замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган.

Ушбу ишлаб чиқариш объекти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, унда кунига икки ярим тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари қадоқланмоқда.

Янги корхона ишга туширилиши муносабати билан 80 нафарга яқин йигит-қиз иш билан таъминланди.

**М. ҲОТАМОВ.**

***Доимий комиссияларнинг изчил иш юритиши халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятига жўшқинлик бағишлаши, табиий. Негаки, депутатлар муҳокамасига ҳавола этилаётган бу масалалар ўз долзарблиги билан ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Масалан, доимий комиссиямиз вилоят Кенгашининг яқинда ўтказилган сессияси кун тартибига Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарорининг вилоятдаги ижроси хусусидаги масалани киритди.***

# ИҚТИДОРЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Санъатга иштиёқ болаликдан шаклланади. Болажонлар орасида эса мусиқага, рақсга ҳавас қўйганлар жуда кўп. Улар орасидан истеъдодлиларини саралаб, иқтидорига сайқал бериш йўналишида 17 та ихтисослаштирилган мактаб фаолият кўрсатмоқда. Сессияга масала тайёрлаш жараёнида уларда яратилган шароит, таълим даражаси, амалий машғулотларни ташкил этишнинг аҳволини атрофлича ўрганиб чиқдик. Очиғини айтиш керак, бу мактабларнинг 14 таси мослаштирилган биноларда жойлашган бўлиб, синф хоналари, кутубхона ва концерт заллари етишмайди. Бунинг натижасида уларнинг айримларида давомат, талабаларнинг машғулотларга бўлган қизиқиши пасайиб бораётир. Мисол учун, Наманган шаҳридаги 1-мусиқа ва санъат мактаби 400 ўқувчига мўлжалланган. Айни чоғда бу ерда атиги 100 нафар ўғил-қиз таҳсил оляпти. Ёки Мингбулокдаги шундай билим даргоҳи туман марказидан анча олисда жойлашганлиги сабабли ўқувчиларни жалб этиш қийин кечяпти. Депутатлар муҳокамаси чоғида аҳволни яхшилаш юзасидан амалий таклифлар билдирилди.

Шу ўринда айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори мусиқа мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, унда таҳсил олаётган ёшлар иқтидорини камол топтиришнинг янги имкониятларини очади. Масалан, вилоятимизда Дастурга мувофиқ, 2014 йилга қадар шу йўналишда 8 та янги мактаб қурилади, 7 та ўқув маскани реконструкциядан чиқарилади. Эътиборли жиҳати, бу борадаги тадбирлар фақатгина бинолар қуриш ёки таъмирлашдангина иборат бўлмай, мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хусусан, уларни

**Қарор ва ижро**

замонавий мусиқа асбоблари ва бошқа жиҳозлар билан тўлдириш, мутахассис кадрлар билан тўла таъминлаш сингари долзарб вазифаларни ҳам ўз ичига олган. Улар ижросини таъминлаш юзасидан амалий ишлар бошланиб кетди.

Келгуси йилда битта мактаб учун янги бино қуриш, иккитасини эса реконструкциядан чиқариш режага киритилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари тахт қилинди. Унга кўра, вилоят марказидаги 11, Норин туманидаги 6-мусиқа мактаблари қайта қурилиб, замонавий қиёфа касб этади. Тўрақўрғондаги 9-мактаб учун эса янги бино қурилади. Ҳар уч иншоотда амалга ошириладиган бунёдкорлик юмушлари учун 3,8 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилган. Ўқитувчи кадрлар малакасини ошириш, улар сафини ёш мутахассислар билан тўлдириш масаласи ҳам кун тартибидан қатъий ўрин олди. Жумладан, биргина мазкур ўқув йилининг ўзидагина бизнинг санъат коллежимизда "Болалар мусиқа мактаби ўқитувчиси" дипломини олган 66 нафар битирувчи қишлоқ мусиқа мактабларига йўл олди. Умуман олганда, бугунги кунда ихтисослаштирилган таълим даргоҳларида 262 нафар педагог ходим фаолият кўрсатиб, 9 та йўналиш бўйича 1576 нафар ўғил-қиз тарбияланаётган бўлса, Дастур вазифалари рўёбга чиқиши билан муаллимлар сони икки баравар кўпайиб, талабалар 3 минг нафардан ортади.

Айтиш керакки, Президентимизнинг ушбу қарори Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан узвий боғланиб кетади. Миллий дастурда, жумладан, иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ҳамда уларни ўқитиш услубияти, илғор педагогик технологияларни жорий қилиш, фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари ҳамда миллий (элита) таълим муассасалари ташкил этилиб, уларда ёшлар ўз қобилиятларини шакллантириши ва ривожлантириши учун кенг имкониятлар яратилади, дея алоҳида кўрсатилган эди. Замон талабига мослашаётган мусиқа мактаблари айни шундай муассаса мақомини олиши турган гап. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлодни миллий мусиқаларимиз билан бирга, жаҳон мусиқа дурдоналаридан баҳраманд бўлиши, пировардида ўзбек мусиқа санъатини дунё бўйлаб кенг тарғиб қилишида истиқбол уфқларини очади.

**Нортожи ЮСУПОВА,**
**Наманган санъат коллежи директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижтимоий-маданий масалаларни ривожлантириш, ёшлар сиёсати ва соғлом авлод доимий комиссияси раиси.**

**ЮНЕСКО ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 600 мингдан зиёд тарихий, археологик ёдгорликлар, музейлар, маданият ва истироҳат боғлари мавжуд. Уларнинг 750 таси жаҳон халқлари маданий мероси рўйхатига киритилган. Бундай ёдгорликлар қаторидан юртимиздаги кўплаб қадимий обидалар ҳам жой олгани эътиборга молик.**

# АСРЛАРГА ТЕНГДОШ МЕРОС

Эътироф

Дарҳақиқат, ўтмишда юртимизга ташриф буюрган хорижлик элчи-меҳмонларни Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилондаги дилкушо боғлар, заргарлик буюмлари, нақшинкор қурол-аслаҳалар, миниатюра асарлари битилган қўлёзма китоблар ҳайратга солган. Натижада бундай нодир буюм ва ашёлар улар томонидан турли йўллар билан четга олиб чиқиб кетилган. Дунёга донғи кетган Лувр (Франция), Эрмитаж (Россия), Буюк Британия давлат музейи, Дрезден картиналар галереяси, АҚШ миллий конгресси музейларидаги осориатиқалар, ноёб қўлёзмаларнинг бир қисми ҳам шарқий ўлкалардан олиб келинган бебаҳо бойликлардир. Чунончи, 1877 йилда юртимиздан Ҳиндистонга, сўнгра Буюк Британияга олиб кетилган "Амударё хазинаси" деб аталувчи гавҳар, тилла, кумушдан зийнатланган аёллар тақинчоқлари, бежирим қурол-аслаҳалар, уй анжомлари, турли жонзотлар шаклидаги ҳайкалчалардан иборат 182 та топилма Лондон музейининг энг ноёб экспонатлари сифатида қайд этилади.

Дарвоқе, Ғарб солномачилари ўрта асрларда Шарқнинг Самарқанд, Урганч каби йирик шаҳарлари, бу ердаги кўркам боғ-роғлар ўзларида йўқлигини таассуф билан ёзиб қолдирганлар. Жумладан, XV аср бошларида Самарқандга келган испан элчиси Клавихо "Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари бино эттирган жаннатмонанд боғ-саройлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатида йўқ", деб эътироф этади.

1937-67 йилларда Хоразм воҳасида тарихий ва археологик изланишлар олиб борган С. П. Толстов "Хоразмбоғ" харобаларидан эрамиздан олдинги VII-V асрларда гуллаб-яшнаган катта боғ-сарой изларини топишга муваффақ бўлган. Олим "Хоразмбоғ ён-атрофидаги канал, ариқлар, девор ва ҳовузлар, дарахт ва гулзорларнинг юксак дид билан режалаштирилганлиги Самарқанд ва Римдаги дала-ҳовли ҳамда саройбоғларни эслатади", деб таъкидлайди. Аслида ҳам Ғарб мамлакатларидаги "Елисей", "Лувр" боғ-музейлари (Франция), "Флорения" (Италия), "Петергоф", "Ясная Поляна" (Россия) каби дунёга донғи кетган боғ ва уй-музейлар шарқона андоза асосида барпо этилганлиги ўз исботини топган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллий-маданий меросимизни асраб-авайлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бу даврда мамлакатимиз пойтахтида Юртбошимиз ташаббуси билан Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил этилиши муҳим воқелик бўлди. Шунингдек, Самарқандда Соҳибқирон Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврида барпо этилган боғларнинг қайта тикланиши, Нукусдаги Савицкий номли санъат музейи, Термиздаги Археология музейи, Урганчдаги "Авесто" боғ-мажмуасини асраб-авайлаш, экспонатлар фондини янада бойитиш йўлида олиб борилган ишлар ҳам эътирофга арзийди. Айни пайтда ушбу масканлардан жой олган қадимий буюм ва ашёлар нафақат юртдошларимиз, балки хорижий сайёҳ ва меҳмонларнинг ҳам ҳайратига сазовор бўлмоқда. Хусусан, "Авесто" боғ-мажмуасида 18 метрли маҳобатли ёдгорлик қад ростлаган. Бу ерда жойлашган музей меҳмонлар, сайёҳлар, ёшлар учун ўзига хос зиёратгоҳга айланган. Мажмуадан инсоният ибтидосидан дарак берувчи тўрт унсур — тупроқ, сув, ҳаво, оловни ифодаловчи ноёб ашёвий далиллар, археологик топилмалар, тош, сополга ўйиб ёзилган Хоразм хати намуналари, "Авесто", "Қуръони карим"нинг кийик терисига битилган парчаоятлари, Алишер Навоийнинг "Хамса" қўлёзмаси, III-IV асрларга доир остадонлар, сопол идишлар жой олган.

Сир эмас, ана шундай эътирофга лойиқ муваффақиятларимиз қатори ҳали бу борада қилинмаган ишлар йўқ эмас. Жумладан, Хоразм вилоятининг Питнак шаҳридаги Солмирзо Олтинбоев номли, Хива туманидаги Шерозий номли, Урганч шаҳридаги "Ипак йўли", Гагарин номли мактаб музейлари фаолиятини жонлантириб юбориш айни муддаодир.

Зеро, музейлар эл-юрт фахри, мозий даракчиси экан, уларга ташриф буюрган киши бу эътирофнинг нақадар тўғрилигига дилдан иқрор бўлиши лозим.

**К. НУРЖОНОВ,**
**«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Хоразм вилояти бўлими раиси, ўлкашунос тадқиқотчи.**

# ТИББИЙ МУОЛАЖА МАСЪУЛИЯТИ

***Мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли бугун нафақат шаҳар марказлари, балки олис қишлоқларда ҳам замонавий тиббий муассасалар фаолият юритмоқда. Мазкур шифо масканлари қисқа фурсат ичида эл саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим бўғинига айланди. Негаки, бугун жойлардаги қишлоқ врачлик пунктларининг кенг жамоатчилик орасида тиббий маданиятни юксалтириш борасидаги имкониятлари тобора ортиб бормоқда.***

Саломатлик



Бирламчи тиббиёт муассасаларининг афзаллиги шундаки, эндиликда қишлоқ аҳли аввалгидек, ўзи истиқомат қилаётган ердан анчайин узоққа, яъни шаҳар ё туман марказига қатнаб юрмайди, аксинча, яқингинадаги тиббий масканга мурожаат этиб, даволаниш имконига эга. Чунки бугун қишлоқ врачлик пунктларининг аксарияти илгари фақат марказдаги йирик касалхоналардагина учратиш мумкин бўлган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Масалан, ҚВПларда мавжуд юрак фаолиятини аниқ кўрсатиб берувчи ихчам эхокардиограмма ускунаси, сунъий нафас олдириш аппарати, фотокалориметр сингари замонавий воситалар беморга аниқ ташхис қўйиш имконини бермоқда.

— Бугунги кунда вилоятимизда жами 227 та қишлоқ врачлик пункти фаолият юритмоқда, — дейди Учкўрғон туманидаги Охунбобоев ҚВП акушер-гинекологи Гулчеҳра Раҳимова. — Шифохонамиз эса бундан икки йил аввал ишга туширилган эди. Қувонарлиси, моддий-техник имкониятларимизга ҳавас қилса арзийди. Бу ерда етти нафар олий маълумотли шифокор фаолият кўрсатаяпти. Бизда биокимёвий таҳлиллар ҳам малакали врачлар иштирокисиз ўтказилмайди.

Вилоятда қишлоқ шифохоналарининг моддий-техник имкониятларини янада кенгайтириш, хусусан, уларни янги, замонавий тиббиёт анжомлари билан таъминлаш масалаларига доимий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу борада "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган тадбирларнинг нафи катта бўлаётир. Масалан, жорий йилнинг июнь ойида ҚВПлар навбатдаги жиҳозлар туркуми — 115,5 миллион сўмлик 11 турдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Шунинг ўзидан ҳам маълумки, қишлоқда малакали тиббий хизматни ташкил этиш учун шарт-шароит етарли. Хўш, тиббиёт ходимлари бундай имкониятлардан амалда қандай фойдаланишаяпти, яна ҳам аниқроғи, қишлоқ шифохоналарини малакали мутахассислар билан таъминлаш даражаси ҳамма жойда ҳам қониқарлими?

Таассуфки, айрим туманларда бу масала ҳали-ҳануз ўз ечимини топгани йўқ. Чиндан ҳам, қизиқ-да, Косонсойдаги "Қорасув" ва "Юмалоқшайхмозор" қишлоқ шифокорлик пунктлари врачларсиз фаолият кўрсатаётганини қандай тушуниш мумкин? Уларнинг ҳар иккиси ҳам туман марказидан 9-10 чақирим олисда жойлашганлиги ҳисобга олинса, фақатгина ҳамширалар кучига суяниб қолинган бу муассасаларда бирор-бир жиддий хасталик билан мурожаат қилган беморга аниқ ташхис қўйиш ва ишончли даволаш имконияти чекланганлиги аён бўлади. Бундай дейишимизнинг боиси, аҳоли малакали ёрдам олиш учун ўз қишлоғида барча замонавий ускуналарга эга бўлган шифо муассасаси мавжуд бўла туриб, мутахассис муаммоси туфайли марказга қатнашга мажбур бўлмоқда. Уч-тўрт ва ҳатто, беш минг нафар аҳолиси бор ушбу ҳудудларда ҚВПлар кўпчиликка қулайлик яратиш мақсадида бунёд этилган эмасмиди, аслида?

Умуман олганда, таҳлиллар вилоятдаги ҚВПларнинг умумий амалиёт врачлари билан таъминланиши масаласига янада эътиборлироқ бўлиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки Косонсой, Наманган, Уйчи туманларида бу кўрсаткич 55,8 – 69,8 фоизни, вилоят бўйича эса 76,4 фоизни ташкил этаётгани баъзи жойларда аҳоли малакали тиббий хизматдан тўлиқ баҳраманд бўла олмаётганидан дарак бераяпти. Тўғри, яқин орада бу муаммо ўз ечимини топади, деган маълумотлар ҳам йўқ эмас. Сабаби, "Саломатлик-2" лойиҳасининг вилоят бюроси мутахассислари билан бўлган суҳбатимизда жорий йилда тиббиёт олий ўқув юртларини битираётган наманганлик ёшлардан 165 нафари умумий амалиёт врачи сифатида қишлоқ жойларига ишга юборилиши режалаштирилаётганини айтишди. Буёғини энди вақт кўрсатади. Энг муҳими, ҳукуматимиз эл саломатлигини асраб-авайлаш масаласига катта эътибор қаратаётган, шаҳару қишлоқларда бир-биридан кўркам ва замонавий шифохоналар бунёд этилаётган бир пайтда жойлардаги мутасадди идоралар бундай масканлар фаолиятини янада такомиллаштиришга бўлган эътиборни сусайтирмасликлари даркор.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Олис йилларни чексиз соғинч билан хотирлаганда бугунги ҳаётимиз ҳам яна бир неча йиллардан кейин энтикиб эслайдиган дамлар бўлишини ўйлаймизми?! Кенг маънода мушоҳада юритадиган бўлсак, сиз ва биз Ватанимиз кечмишида, миллатимиз ҳаётида чинакам тарихий воқеаларнинг гувоҳи, ҳатто, бевосита иштирокчиси бўлганимизни ёддан чиқаришимиз мумкинми?! Ўзбекистон деб аталган севикли давлатимиз жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олиб, унинг номи, донғи олам узра илк бор таралган йилларда ҳаёт кечирдик ахир.

# БИЗГА НАСИБ ЭТГАН САОДАТ

Туйғу

Истиқлол берган имкониятлар ҳақида сўз юритилганда, мустабид замон чек-чегараларини, тазйиқларини ўз кўзимиз билан кўрганимиз хотирамиздан ўчгани йўқ-ку. Ота-боболаримизнинг неча асрлик орзулари ушалганини айнан биз кўрдик-ку. Ўзбекистон ўз донига, ғалласига, олтинига, пахтасига ўзи эга бўлганлиги худди сиз ва биз яшаган замонда содир бўлмадими?! Бундай саодат қанча йиллар не-не аждодларимизга насиб этмай, армонлигича қолганди-ку.

Юртимизда Тошкентнинг 2200 йиллиги ажойиб тантана қилинди. Шаҳар кўчаларига чиқсангиз, байрамона безаклардан кўнглингиз чоғ бўлади. Шу ўринда бир ҳолатни тасаввур қилайлик. Тошкентнинг тўйи ўтказилган кунлар фалакнинг гардиши билан дунёнинг бошқа бир нуқтасида бўлиб қолдингиз дейлик. Ўша олис қитъада ойнаи жаҳонни томоша қилсангиз, қисқа хабарлар қаторида Ўзбекистон пойтахти юбилейи нишонлангани ҳақида ахборот берилди. Юрагингиз "жиз" этадими? Ватанингиздаги байрамда қатнашолмаганлигингиз умрбод армон бўлиб қолмайдими? Бу кунларни яна йигирма-ўттиз йиллар ўтгандан кейин янги авлодга гапириб бериш насиб этажагини ўйласангиз ҳам ҳозирдан юрагингиз ҳаприқиб кетади.

Тоғнинг юксаклиги ундан узоқлашганда билинади. Бугунги кунларимизнинг халқимиз солномасида зарҳал ҳарфлар билан битилиши дафъатан хаёлимизга келмаслиги мумкин. Йиллар ўтиб, замонлар алмашганда XXI асрнинг дастлабки ўн йиллиги кўзимизга иссиқ туюлса, не ажаб.

Озгина хаёлга эрк берайлик. 2031 йил. Истиқлолимизнинг қирқ йиллиги байрами арафаси. Ёши улуғ фахрийлар ёшлар даврасида суҳбатлашишяпти.

— Асқаржон, Тошкентнинг 2200 йиллигини қачон байрам қилувдик?

— Унутдингизми? Ўша айём кечагидек ёдимда: Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллигида қўшалоқ тантана бўлганди.

Бу суҳбатга 2010 йиллардан кейин туғилган ёшлар ажиб бир ҳавас билан қараб туришибди. "Ўшанда мустақиллик бизнинг ёшимизда бўлган экан-а!"

Келинг, ўша йилларда вужудимизни шодлантирадиган ғурур бизга насиб этсин.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport

# БОКСЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

***Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бошланди. Унда дунёнинг 133 мамлакатидан келган беш юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашмоқда.***



Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари чемпионатда ўн бир вазн тоифасида иштирок этмоқда. Бош мураббий Шароф Худойбердиевнинг таъкидлашича, спортчиларимизда совриндорлар сафидан жой олиш учун имкониятлар етарли. Чунки таркибга хорижда ва мамлакатимизда ташкиллаштирилган ўқув-йиғин машғулотларида муваффақиятли қатнашган боксчиларгина жалб этилган. Айниқса, август ойининг биринчи ярмида Дублин (Ирландия) шаҳрида Англия, Голландия, Швеция терма жамоалари билан ҳамкорликда уюштирилган машғулотлар катта тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Агар эътибор берадиган бўлсак, Пекин Олимпиадасидан сўнг терма жамоамиз таркиби бир қатор иқтидорли ёшлар ҳисобига тўлдирилган. Уларнинг аксарияти бу каби нуфузли мусобақада илк бор иштирок этмоқдалар. Мураббийлар бошқа вазнда ўз омадини синаб кўраётган Элшод Расулов (81 кг.)га катта ишонч билдиришаяпти. Элшод бундан олдин 75 килограмм вазнда рингга чиқарди. Яқинда Хитойда ўтган Осиё чемпионатида олтин медаль билан тақдирланган Санжарбек Раҳмонов (64 кг.)дан ҳам умид катта. Андижон бокс мактаби тарбияланувчиси Осиё чемпионатида барча рақибларини катта устунлик билан мағлубиятга учратиб, мухлису мутахассислар олқишига сазовор бўлган эди.

Энди бевосита мусобақалар тафсилотига тўхталамиз.

Бундан икки йил муқаддам жаҳон чемпионлигини қўлга киритган юртдошимиз Аббос Атоев (75 кг.) биринчи босқичда ганалик Аҳмед Сарак устидан 16:4 ҳисобида ишончли ғалабага эришди. Хуршид Тожибоев (60 кг.) эса иорданиялик Маҳмуд Ишесишга қарши рингга чиқиб, 13:8 ҳисобида зафар қучди.

Шунингдек, Шаҳриёр Исҳоқов (51 кг.) перулик Луис Давила Кайчони 18:9, Санжарбек Раҳмонов (64 кг.) мисрлик Жобир Шеайрийни 19:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқичга йўлланма олишди. Афсуски, + 91 килограмм вазн тоифасида қатнашаётган Сардор Абдуллаев хитойлик тажрибали боксчи Жи Лей Жэнгга (5:11) имкониятни бой бериб, мусобақани биринчи босқичдаёқ якунлашга мажбур бўлди.

Жаҳон чемпионатининг навбатдаги куни рингга чиққан Алишер Маҳмудов (48 кг.) мадагаскарлик Раймонд Раинджан устидан 26:6 ҳисобида зафар қучди.

Афина Олимпиадаси бронза медали совриндори, Осиё ўйинлари ғолиби ва жаҳон чемпиони Баҳодиржон Султонов (57 кг.) ҳам биринчи жангда даниялик боксчи Денис Сейланни осонлик билан мағлубиятга учратди. Юртдошимизнинг кетма-кет берган кучли зарбаларига рақиби учинчи раундгача чидаб берди, холос. Шу раунд ўрталаридаги навбатдаги зарбадан сўнг Д. Сейлан нокаут ҳолатига тушиб қолди.

Эртага Тўлашбой Дониёров (54 кг.), Ботир Маҳмудов (69 кг.), Элшод Расулов (81 кг.) ва Рамз Аҳмедов (91 кг.) дастлабки учрашувда рингга чиқадилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

# ОБ-ҲАВО (5 сентябрь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво булутли бўлиши мумкин. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 8-13, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Ҳарорат тунда 9-14, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Баъзи жойларда ҳаво булутли бўлади. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 9-14, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради. Ҳарорат тунда 9-14, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 11-16, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Тунда 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 11-13, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

# Когонлик ёшларга байрам туҳфаси

***Мустақиллик байрами кунларида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Когон шаҳри ёшлари учун ажойиб совға тайёрлади.***

Компания томонидан ажратилган 1 миллиард сўмлик маблағ ҳисобига шаҳарда спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу ерда ёшларнинг стол тенниси, кураш, бокс, минифутбол, енгил атлетика каби ўнлаб спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ҳудудий филиаллари

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I. РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг аукцион савдосига такроран Сирдарё тумани суд ижрочилари бўлими томонидан** (2008 й. 30 май ва 2006 й. 16 августдаги 12-0601/8732-сонли ижро ҳужжатлари), Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани, «Синдаробод» ширкат хўжалигида жойлашган, «Синдаробод» иссиқхона корхонасига қарашли:
* 2-сонли қозонхона биноси соз ҳолатда қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 99 984 949,2 сўм; * 2-сонли қозонхона ички ускуна жиҳозлари, «АБ-2», «АБ-3» русумли 6 та қозонлар жамламаси, 2 та «ФОВ-1,5-0,6» русумли фильтр, 2 та 10 куб. м. темир сиғим соз ва носоз ҳолатда қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 316 102 968 сўм.

**Аукцион савдоси 2009 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Сирдарё вилояти филиалининг ТИФ Миллий банки Гулистон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000900571452054, МФО: 00363, СТИР: 200 933 850.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 56-хона.
Телефонлар: (8-367) 226-28-93, 226-38-91.

**II. РКМБ Хоразм вилояти филиалининг аукцион савдосига** Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган (2008 й. 25 ноябрьдаги 9903-сонли ижро ҳужжати), «Хоразмқурилиш» ОАЖга қарашли бўлган, Урганч шаҳри, И. Досов кўчаси, 114-уйда жойлашган икки қаватли маъмурий бино қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 95 573 743 сўм, дурадгорлик устахонаси ва комплектация биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 109 113 777 сўм.

**Аукцион савдоси 2009 йил 6 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекабанк»и «Тинчлик» филиали, МФО: 00580, СТИР: 200933850.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й. Бобожонов кўчаси, 23-уй.
Телефон: (8-362) 226-32-63. Факс: (8-362) 226-43-64.

**Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.**

**www.rkmb.uz**

*Лицензия: DB 001 № 000004.*



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.05 Топширилди — 00.25
1 2 3 4 5